**UDK 808.5**

**Қулматов Примкул Меликўзиевич**

**“Ижтимоий фанлар” кафедраси мудири, ф.ф.н.доц.**

**Жиззах политехника институти**

**Kulmatov Primkul Melikuzievich**

**Head of the Department "Social Sciences", c.p.s., docent**

**Jizzakh Polytechnic Institute**

# ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИНИНГ РОЛИ

**Аннотация:** Мақолада бугунги кунда баркамол авлод тарбиясида мухум ахамиятли бўлган халқ оғзаки ижоди зарурлиги ижтимоий-фалсафий жиҳатдан таҳлил қилинган. халқ оғзаки ижодининг ёшларга таъсир кўрсатувчи омиллар масаласига ҳам эътибор қаратилган.

**Калит сўзлар:** маънавий таҳдид, халқ оғзаки ижоди, Ўзбекистонни ислохатлари, янги Ўзбекистон, достон мақол, эртак, афсоналар, Алпомиш, Гўрўғли, Аваз, Ҳасан, Кунтуғмиш, қахрамонлик.

# THE ROLE OF FOLK ORAL CREATIVITY IN YOUTH EDUCATION

Annotation: The article analyzes the socio-philosophical aspect of the need for folk oral creativity, which today is of great importance in the education of the perfect generation. attention is also paid to the issue of factors affecting youth of folk oral creativity.

Keywords: spiritual threat, folk oral creativity, Islamists of Uzbekistan, new Uzbekistan, Epic proverb, fairy tales, legends, Alpomish, Ghuroglu, Avaz, Hasan, Kuntugmish, hero.

Янгиланаётган Ўзбекистонда ижтимоий, иқтисодий, маънавий сохаларда туб ислохатлар амалга оширилаётган бир даврда шу янгиланиётган жамиятимизнинг баркамол фуқаросини тарбиялаш бугунги энг мухум вазифамиздир. Бу вазифаларни ҳал қилиш учун ёшларимизни ҳар томонлама баркамол инсонлар бўлиб

етишишлари керак. Жумладан, бугунда маънавий баркамол ёшлар тарбиялашда олиб борилаётган сиёсатимизнинг самарасини оширишда бобоколонларимизнинг тажрибасидан утган халқ оғзаки ижодининг алоҳида ўрни мавжуд. Шундай экан бугун маънавий баркамол интелектуал салохиятли ёшларни тарбиялаш ва замонавий таҳдидлардан асраш асосий йўлларидан бири бу-уларда асрлар синовидан ўтган халқимизнинг донишмандлиги, тажрибаси мужассам бўлган, унинг халқ оғзаки ижодига асосланадиган мустақил дунёқарашни шакллантириш, камол топтиришдир.

Асрлар мобайнида буюк бобокалонларимиз тарбиясида муҳим аҳамиятга эга бўлган халқ оғзаки ижодига оид бой тарихий тажрибани ўрганиш ва уни ёшлар онгига сингдириш бугунги ёшлар тарбиясида мухим аҳамият касб этади. Бир неча минг йиллик бой тарихимизнинг маҳсули бўлган халқ оғзаки ижоди асрлар мобайнида ёш авлод тарбиясида алоҳида аҳамият касб этиб келган. Бундай халқ оғзаки ижоди халқни орзу-интилишлари, мақсад-муддаоларини ўзида мужассамлаштириб, тилдан-тилга, дилдан-дилга ўтиб, сайқалланиб келаётган бебаҳо меросдир. Шундай экан, бу халқ оғзаки ижоди дурдоналари саналган лапар, достон мақол, эртак, афсоналарда, Ватанга, она заминга, халққа муҳаббат, садоқат, дўстлик, тўғрилик, адолат ғоялари яшаб келган. Бу муқаддас ғоялар ҳозирги кунимизда “Янги Ўзбекистон”ни қуриш ғоямизнинг бош мақсади бўлиб, ёшларни баркамол этиб тарбиялашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. “Сир эмаски халқ оғзаки ижоди миллий қадриятларимизнинг таркибий қисми сифатида баркамол авлодни унда донишманд халқимизни эзгу ниятлари, орзу-мақсадлари, комил шахслар, эркинлик, озодлик, ҳур яшаш, ўз мустақиллигига эришиш йўлидаги курашни мадҳ этадиган миллий маънавиятимиз акс этгандир”. Шулардан бири бўлган достончилик санъатини оладиган бўлсак, ўзбек халқининг асрлар мобайнида ўзи орзу қилган комил инсон ғояси ушбу достонларда гавдалантирилганлигини

кўрамиз. Достонлардаги бош қахрамонлар доимо мард, жасур, ўз юртига садоқатли, вафодор барча гўзал, ижобий фазилатларни ўзида мужассамлаштирган инсонлар сифатида эътироф этилади. Буни ўзбек халқ достонларидаги Алпомиш, Гўрўғли, Аваз, Ҳасан, Кунтуғмиш каби образларда яққол кўриш мумкин. Демак, халқимиз фарзандлари орасидан ана шундай ўз юртини ҳимоя қилишга, унинг шонини улуғлашга қодир бўлган комил инсонлар етишиб чиқишларини хоҳлаганлар ва уларнинг бу орзулари халқ достонларида ўз аксини топган. Шунинг учун ҳам, халқ оғзаки ижодида достонлар алоҳида ўринга эгадир. Жумладан "Алпомиш" дастонига эътибор қаратсак достонда ватанпарварлик, қаҳрамонлик, мардлик, севги ва дўстлик ростгўйлик тарғиб этилган.

Машхур педагог олим А.Э.Измайловнинг таъкидлашича " халқ оғзаки ижоди нафақат авлоддан-авлодга ўтган бой тарбия хақидаги билимлар йиғиндиси, балким халқнинг тарбиявий фаолияти тажрибаси асосида мазкур билимларнинг малака ва куникмага айланиш мажмуи ҳамдир". Буюк бобоколонимиз Юсуф Хос Хожиб эътироф этганидек "Одамдан одамга мерос бўлиб сўз ва нақил қолади бу мерос қолган панд-насихатларга амал қилинса нафи бехисоб бўлади".

Хулоса ўрнида шуни айтиб ўтиш керакки, халқ яратган халқ оғзаки ижоди намуналари узининг ғоявий чуқур халқчиллиги билан ажралиб турар экан, демак, халқ оғзаки ижоди орқали бугун вертуал хаётни реал хаётдан фарқлаё олмаётган куплаб ёшларимизга хамда баркамол авлодга билим бериш ва уларнинг олган сабоқларини мустаҳкамлаш, маънавий оламини бойитиш ва миллий дунёқарашини ўстиришда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. "Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида".

2. “Болам бахтли бўлсин десангиз” М.Қуронов  Т-132. б

3. Туратов Ш  “Баркамол инсонни тарбиялашда халқ оғзаки ижодининг ўрни”. Ижтимоий фанларнинг методологик муаммолари. Республика илмий-амалий конференция материаллари. Самарқанд 2011.

4. С.Йўлдашева. Фольклор-этнографик жамоалар услубиѐти. Т.: Navro_z – 2014. – 162.

5. Маллаева Э.М. “Исторический и научный анализ концепции политической культуры” Журнал «Вопросы политологии» Москва. 2019 г 1726 л

6. Turatov Sh.B. Factors of civil responsibility for the development of society // In an “International Multidisciplinary Conference” “Tech-Fest-2021”, published with Conference International Database, hosted online from Boston, USA on October 3rd 2021.- Page. 9-12.

7. Turatov Sh.B The role and role of public control in the fight against corruption // Published in international scientific and practice conference on “international experience in increasing the effectiveness of distance education: problems and solutions” issue "www.ieird.com 2021sjif: 7.169.

8. Сафаров А. И., Ризаев И. И. Факторы развитие экотуризма в Узбекистане //Глобальные проблемы модернизации национальной экономики. – 2022. – С. 629-633.

9. Ганиев К., Тугунбоев О., Ризаев И. И. Экологические проблемы современного общества и ихрешения //наука и образование: актуальные вопросы теории и практики. – 2021. – С. 601-603.

10. Тураев Б. О. Информационное свойство пространства и време ни //Естествознание и время. – 1992.

11. Тураев Б. О. Чингиз Айтматов и мировые цивилизации //Чингиз Айтматов. Личность. Эпоха. – 2020. – С. 128-132.

12. Usmonov F. N. The role rationalization in the acceleration of life sequence //Theoretical & Applied Science. – 2020. – №. 3. – С. 227-229.

13. Аликулов С. А., Ризаев И. И. Значимость повышения финансовой грамотности населения узбекистана // Вестник Прикамского социального института. 2022. №2 (92).

14. Аликулов С. А., Ризаев И. И. Важность обучения финансовой грамотности (на примере Узбекистана) //Государственное регулирование общественных отношений в регионе: социально-экономические, правовые и историко-культурные аспекты. – 2022. – С. 24-28.

15. Usmonov F. N. The place of rational and creative thought in turning the virtuality into reality //Paradigmata poznani. – 2014. – №. 2. – С. 31-33.

16. Ulmasjonovich K. S. Mystical and philosophical foundations of human interaction (Based on the teachings of Makhdumi Azami Kasani). – 2021.

17. Samatov K. Issues naqshbandi teaching peace and harmony in society //Theoretical & Applied Science. – 2016. – №. 2. – С. 175-179.

18. Mardonov R. Philosophical aspects of modern education //Conferencea. – 2021. – С. 15-17.

19. Mardonov R. Features of educational services in modern conditions //Archive of Conferences. – 2021. – Т. 22. – №. 1. – С. 100-103.

20. Husan M. Dialectics of Potentiality and Virtuality in Space and TIME //European Scholar Journal. – 2022. – Т. 3. – №. 1. – С. 40-42.

21. Rizaev I. I. The structure of the social system as the basis for the self-organization of society //Scientific Bulletin of Namangan State University. – 2019. – Т. 1. – №. 7. – С. 151-156.

22. Эргашев И. И. Пути совершенствования инвестиции маркетинга //Интеграция наук. – 2017. – №. 6. – С. 123-125.

23. Эргашев И. И. Управление активами коммерческого банка //Интеграция наук. – 2017. – №. 6. – С. 125-126.

24. Ulmasjonovich K. S. Mystical and Philosophical Foundations of Human Interaction //Middle European Scientific Bulletin. – 2021. – Т. 19. – С. 358-364.